

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА
ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ
“ТАСВИРИЙ САНЪАТ” ФАКУЛЬТЕТИ
“МАҲОБАТЛИ РАНГТАСВИР” КАФЕДРАСИ

“Ҳимояга тавсия этилсин”
Факультет декани
_____ А.А.Юсупов
« _____ » _____ 2018 йил

Маҳобатли рангтасвир таълим йўналишининг кундузги бўлим - гуруҳ
талабаси

МИРЗАЕВ НЕЪМАТЖОНнинг
“ТАРИХДАН ЛАВҲАЛАР”
маҳобатли рангтасвир асари мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: “Маҳобатли рангтасвир”
кафедра
доценти _____ С.Рахмонов

“Ҳимояга тавсия этилсин”
“Маҳобатли рангтасвир”
Кафедраси мудири
Жуманиязов Ш _____
« _____ » _____ 2018 йил

ТОШКЕНТ – 2018 йил

Мазкур малакавий битирув иши " Маҳобатли рангтасвир " кафедрасининг
2018 йил ____ майдаги № ____ сонли ва факултет Кенгашининг ____ майдаги
мажлисида муҳокама ваҳимояга тавсия этилган.

Такризчи: Кобилова Ф.

Химоя ____ йил ____ июн соат ____ да Ўзбекистон Бадий Академиясида
К.Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтида
ўтказилади. Институт манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани,
Мироншоҳ кўчаси, 123 - уй.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4-8
1- БОБ. ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН МАҲОБАТЛИ РАНГТАСВИРИНИНГ АСОСИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ	
1.1 Маҳобатл рангтасвир санъати тарихи. Унинг ривожланиш босқичлари	9-17
1.2. XX-XXI асрларда Ўзбекистон тасвирий санъатида витраж санъати	18-21
2-БОБ. САНЪАТ АСАРЛАРИДАГИ ТАРИХИЙ МАВЗУЛАР. АСАРЛАРДА БУЮК СИЙМОЛАР ОБРАЗИ	
2.1 Тарихий образларнинг санъат асарларидаги тасвири	22-31
2.2 “Тарихдан лавҳалар” битирув малакавий иши мазмун- моҳиятининг таҳлили	32-38
ХУЛОСА	39-42
ГЛОССАРИЙ	43-47
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	48
ИЛЛЮСТРАЦИЯЛАР	49

КИРИШ

Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти, маърифат ва маънавияти билан кучлидир. Ўзбекистон миллий мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг юртимизда миллий ўзликни англаш, маънавий қадриятларимизни янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Санъат ихлосмандлари она юртимизнинг тарихий ўтмиши, ажойиб ва бетакрор табиати, буюк аجدодларимиз ва замондошларимиз тимсолларини яратиш иштиёқида тинимсиз изланишлар олиб бормоқдалар. Юртимизда иқтидорли ва таниқли ижодкорлар талайгина. Улар турли санъат соҳаларида ўз иқтидорларини намойиш этиб, эса қоларлик санъат асарларини яратиш иштиёқида ижодий фаолият кўрсатмоқдалар. Тасвирий санъат соҳасида яратилаётган асарларда юртимиз кундалик ҳаётидаги ўзгаришлар турли ранг ва шакллар орқали ифодаланаётган бўлса, ҳайкалтарошлик соҳасидаги буюк шахслар тимсоллари эса тош ёки металл ва бошқа ҳом ашёлар ёрдамида гавдалантирилмоқда.

1991 йил Ўзбекистон Республикаси сиёсий мустақиллик ва озодликни қўлга киритгач ўз тақдирининг чинакам эгаси, ўз тарихининг ижодкори, ўзига хос миллий маданиятга айланди ва жуда кўплаб соҳаларга кенг йўл очиб берилди. Юртимизнинг миллий тикланиш ва янгиланиш жараёнлари бошланиши билан санъат ва спорт соҳасига кенг эътибор қаратила бошланди. Санъатимизда янги давр бошланди. Бу қисқа тарихий давр ичида ватанимизда давлат ва жамият қурилиши борасида сиёсий жараёнлар билан биргаликда ижтимоий – иқтисодий ва маънавий соҳаларда жадал ўсиш кўзга ташланди. Бу эса мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишини белгилаб беради.

Ҳозирги кунда миллий маънавиятимизнинг ривожини тасвирий санъат намуналарисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбек рассомларининг кейинги

йилларидаги самарали ижод қилиб, янги – янги ютиқларни қўлга киритаётганлиги бу соҳага кўплаб ёш истеътод эгалари кириб келаётгани унинг равнақи ва истиқболидан далолат беради.

Дунёда ҳеч бир жамият йўқки, маънавий имкониятларини, одамлар онгидаги маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди. Президентимиз И.А.Каримовнинг ташаббуси ва талаби билан юртимизда санъат ва маданиятни ривожлантиришга давлат аҳамияти даражасида қаралиб келинмоқда. Бу эса тасвирий санъатда ҳам ўз ўрнини топиб бораётганлиги қувонарли ҳолдир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги ниҳоятда муҳим ишлардан бири бўлди. Биз маънавий қадриятларни тиклашни, миллий ўзлигимизни англашни ўсишидан, халқни сарчашмаларига унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз.

Иморатнинг мустаҳкамлиги унинг пойдеворига боғлиқ. Пойдевор қанчалик бақувват бўлса, иморат ҳам шунчалик узоқ ва маҳкам туради. Заиф пойдевор устига қурилган ҳар қандай мухташам бино ҳам бир марта бўрон турса бас, ўша захоти қулаб тушади.

Қадимдан ўз ўрнига эга бўлган санъатимиз, ҳозирги кундаги санъатимизнинг мустаҳкам пойдеворидир. Миниатюра сифатида шаклланган бу санъат доим ижтимоий ҳаётга муносабат тусини олган. Инсон турли чегараларни тузади, аммо санъат чегарани билмайди. Ғарбу Шарққа ҳам, Шимолу Жанубга ҳам у инсон манзараларини намоиш этаверади. Санъатнинг минтақаси ҳам чегарасиздир.

Ўзбекистон ҳудудида қадимдан шаклланган, жаҳоний шуҳрат қозонган нафис санъатлар мактабларининг ноёб анъаналарини авайлаб асраш, ўрганиш, бойитиб бориш, миллий тасвирий, амалий, миниатюра санъатимизнинг нодир дурдоналарини дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш,

улардан халқимиз онгида миллий ғурур ва ифтихор, истиқлол ва ватанга садоқат туйғуларини кучайтириш йўлида кенг фойдаланиш, замон талабларига мос бадий таълим тизимини барпо этиш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, академик илмий - тадқиқот ишларини янада такомиллаштириш ҳамда юксалтириш мақсадида 1997 йил 23 январда “Ўзбекистон Бадий Академиясини ташкил этиш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони чиқарилди. Ёш авлоднинг ўзбек маданияти ва санъати анъаналари, илғор жаҳон андозалари асосида билим олишини таъминлаш ҳамда ушбу соҳа ўқитувчи, илмий - ижодий ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш асосида ўзбек санъатини жаҳонга танитиш борасидаги саъй ҳаракатлар бугунги кунга келиб ўз самарасини бериб келмоқда.

Мавзунинг долзарблиги: Ер юзидаги барча ўлмас обидалар, инсоният ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган жамики улуғ кашфиёт ва ихтиролар, мумтоз санъат ва адабиёт дурдоналари, мардлик ва қаҳрамонлик намуналари одамзотнинг ақл-тафаккури, салоҳияти ва маънавий жасорати маҳсулидир. Шунинг учун ҳам бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат — бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, янглишмаган бўламиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, халқимиз тарихнинг ҳар қандай тўфон ва суронларига қарамасдан, миллий ўзлиги ва азалий қадриятларини сақлаб қолиб, бугунги дориломон замонларга безавол етиб келишида унинг қон-қони, суяк-суягида бўлган маънавий жасорат туйғуси, ҳеч шубҳасиз, унинг онгига ҳал қилувчи таъсир ўтказиб келмоқда.

Санъат ва маданиятдек қудратли куч орқали инсон қалбига йўл топиш ҳақида сўз юритар эканмиз, ҳаммамиз яхши тушунамизки, ҳар қайси истеъдод эгаси ўзига хос бир олам. Бу ҳаётда уларни бирлаштирадиган, янги ижодий марралар сари илҳомлантирадиган муқаддас тушунчалар борки, улар Ватан ва халқ манфаати, эзгулик ва инсонийлик тамойиллари билан узвий боғлиқдир. Агарки ҳар қайси ижодкор, ўз асарларида ана шу ўлмас ғояларни бош мақсад

килиб қўйса, уларни бадиий маҳорат билан ифода эта олса, ҳеч шубҳасиз, адабиёт ҳам, маданият ва санъат ҳам том маънода маънавий юксалишга хизмат қилиб, ўзининг ижтимоий вазифасини тўлиқ адо этишга эришган бўлади.

Шу жиҳатдан қараганда ушбу битирув малакавий иш учун танланган “Тарихдан лавҳалар” мавзуси бугунги кун кишисини тарбиялашда, унда ватанга муҳаббат, ўтган аجدодлар хотирасини ёд этиш туйғусини ривожлантириш, аجدодлар хотирасига ҳурмат ҳиссини пайдо қилиш каби ҳислатларни пайдо қилади. Ушбй витраж услубидаги маҳобатли рангтасвир асарининг айнан таълим муассаси- Наманган Давлат Университети тарих факультети биноси учун ишланиши айни муддао. Негаки бундай туйғуларни айниқса ёшлар онгига сингдириш зарур.

Диплом ишининг мақсади: миллатимиз тарихи, унинг ютуқлари, обрў-эътибори билан фахрланиш, унинг муаммоларига бефарқ қараб турмаслик; ўз элига, миллатига жонкуяр бўлиш; ўз миллатининг моддий, маънавий меросини асраб-авайлаш; халқ одатлари, анъаналари, қадриятларини ҳурмат қилиш, уларни бойитиш ва такомиллаштириш; ўз миллатига меҳр-муҳаббатини амалда намоён қилиш; аجدодлар хотираси олдида ворислик масъулиятини ҳис қилиш, тарихда ўтган буюк сиймолар тарихини ўрганиш, уларнинг ҳаёт фаолиятидан ибрат олиш каби вазифалар билан боғлиқ.

Яратилаётган тарихий мавзудаги маҳобатли рангтасвир композицияси айнан олийгоҳ биноси учун ишланаётганини назарда тутиб, буюк боболаримиз тимсолида инсон маънавий маданиятини белгилаш, унинг шаклланиш сабабларини аниқлаш, маънавий бойлик ижодкори ва яратувчилари, қолаверса бугунги кун кишиси қандай сифатларга эга бўлишлари кераклигини тушунтиришдан иборатдир.

Диплом ишининг объекти: Тарихий мавзуларда яратилган маҳобатли рангтасвир асарларининг ўрни. “Тарихдан лавҳалар” мавзусида ишланган тарихий мавзудаги композиция таҳлили. Тарихий мавзудаги бу композиция

иши Наманган Давлат университети тарих факультети биноси учун мўлжаллаб ишланган.

Диплом ишининг вазифалари. “Тарихдан лавҳалар” деб номланган композиция олийгоҳ биносининг фойеси учун мўлжалланган. Шунинг учун диплом ишида Ватанга муҳаббат, унинг тарихига ҳурмат, санъатнинг, хусусан маҳобатли рангтасвирнинг инсон камолотидаги, унинг тарбиясидаги ўрнини таъкидлаб кўрсатишни бош вазифа қилиб олдик.

Меъморчиликдаги маҳобатли рангтасвир асарларининг инсонни ўз аجدодлари руҳи олдидаги бурчи, вазифалари ҳақида ўйлашга, мушоҳада қилишга чақира оладиган имкониятларини очиб беришга ҳаракат қилдик.

Диплом иши таркиби: Кириш, иккита боб, хулоса, глоссарий, фойдаланилган адабиётлар ҳамда мавзуга оид ва иш жараёни фотосуратларидан иборат иловалар келтирилган. Ишнинг кўргазмали қисмида композиция эскизи, лойиҳа иши, бино макети ҳамда фрагмент эскизи тақдим қилинган.

1- БОБ. ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН МАҲОБАТЛИ РАНГТАСВИРИНИНГ АСОСИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

1.1 Маҳобатл рангтасвир санъати тарихи. Унинг ривожланиш босқичлари

Санъат жуда қадим замонларда, меҳнат жараёнининг тараққиёти натижасида пайдо бўлди. Меҳнат жараёнида инсон тафаккури камол топди, гўзаллик ҳисси ортди, воқеликдаги гўзаллик, қулайлик ва фойдалилик тушунчалари кенгайди. Синфий жамият вужудга келиши билан эса ижтимоий тарққиётда катта ўзгаришлар содир бўлди, ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқа бошлади. Бу эса фан ва санъат ривожига муҳим аҳамият касб этди. Профессионал санъат ва санъаткорлар шу даврда пайдо бўлди. Санъат эса ўзининг ўзига хос хусусиятини, синфийлигини намоён этиб, ҳукмрон синфнинг идеологиясини тарғиб этувчи кучли ғоявий қуролга айланди. Лекин шунга қарамай, омма орасидан етишиб чиққан истеъдодли ижодкорлар меҳнаткаш халқ оммасининг орзу-истакларини, уларнинг гўзаллик ва худбинлик, олийжаноблик ва инсонпарварлик ҳақидаги тушунчаларини ифода этувчи асарлар яратдилар. Халқнинг турмуши, ҳулқ ва одатлари, ютуқ ва мағлубиятлари уларнинг асарларида ўз ифодасини топди. Ҳар бир даврда мавжуд бўлган ана шундай санъат ҳаёт гўзалликларини тасвирлаб, одамларда юксак ҳислат ва фазилатларни камол топтирди, уларни тенглик, озодлик, биродарлик, ёрқин келажакка интилишга даъват этди. Ҳақиқатан ҳам инсоният яратиб қолдирган маданий қадриятлар оддий бойликлар бўлиб қолмай, балки ўзида инсон ақл-заковати, ҳаёт тўғрисидаги фикр-ўйларини акс эттирувчи кўзгу ҳамдир. Жаҳон санъати тарихини ўрганиш, унинг тараққиёт қонунларини тушуниш, нодир ёдгорликлар билан танишиш, ўтмиш одамларнинг ҳис-туйғуси, ҳаётий тажрибаларини ўрганиш ғоявий-эстетик қарашларнинг шаклланишини

билиш демакдир. Бу сўзсиз, кишиларда ҳаётий тажрибаларнинг бойишига, ҳаётга янада кенг ва атрофлича ёндошишга ёрдам беради.

Санъат, хусусан рангтасвирнинг бир тури бўлган маҳобатли рангтасвир санъати тарихига назар ташлар эканмиз, ўтган асрнинг иккинчи ярмида алоҳида қизиқиш билан ўрганилган қадимий Афросиёб харобаларини тилга олмай иложимиз йўқ. Афросиёб музейидан 150-200 метр ғарб томонда топилган сарой қолдиқларидан 7 асрларга оид деворий суратлар топилган. Саройнинг баъзи хоналаридаги деворлар бошдан оёқ рангтасвир асарлари билан безатилган. 13 аср ўтанига қарамай сурат ранглари ва бўёқларининг равшанлиги кишини ҳайратга солади (деворий суратлар ҳозирги кунда Афросиёб музейи залларида намоёиш этилмоқда.) Саройнинг 11х11метр ҳажмдаги марказий зали жуда яхши сақланган. Бошқа хоналарнинг деворлари сингари залнинг деворлари ҳам пахсадан қурилган бўлиб, сомонли лой билан юпқа сувоқ қилинган. Сўнг ганч билан сувалиб, сурат чизилган. Сақланиб қолган деворнинг баландлиги 2-2,5 метрга тенг, деворларнинг юқори қисми бузилиб кетган. 1985 йилдан бошлаб таъмирланган деворий суратлар кенг жамоатчиликка намоёиш этилмоқда.

Афросиёбдаги Ихшид (хоким) Вархуманнинг саройидаги ҳаётини, давлатини, қудратини, халқаро алоқаларини ва салтанат маданиятини акс эттирувчи деворий суратлари бўлган. Эрамиздан аввалги IV ва эрамизнинг VIII асрларида санъатнинг маънавий-ғоявий вазифаси кучая борди. Буни Кушон, Бактрия, Хоразм, Суғд маданияти намуналарида кўриш мумкин. Ўша даврдаги бунёд этилган бинолар деворларидаги суратлар, умуман олганда, Ўрта Осиё тасвирий санъати хусусиятини ўзида намоён этади. Элчиларнинг шох қабулида бўлишлари, қаҳрамонона жанглар ва мардона шикорлар тасвири манзаралар, илк ўрта аср аҳолисининг ижтимоий, маданий ва ахлоқий ғояларини акс эттирган.

Ана шундай кўхна обидалар Зиёвуддин воҳасида ҳам мавжуд. Бундай суратларнинг бир неча тури аниқланган. Бу суратлар Зараутсой

суратларига қараганда, бир оз кейинроқ яратилган, деб тахмин қилинади. Улар турли даврларга мансуб, ҳар хил услубда ишланган, мазмуни эса ранг-баранг. Расмда тоғ эчкиси архарнинг шохлари ўзгача шаклда ҳам учрайди. Қоятош суратлари қадим замонларда яшаган аجدодларимиз турмуш тарзи, маданий ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи энг қадимги тарих ёдгорлигидир. Зирабулоқ тизма тоғларидаги қоятошларда отлик овчиларнинг ўқ-ёй билан қуролланиб, архарларни ов қилиш манзараси тасвирланган. Бу сойда яна икки ғилдиракли аравалар шакли тош асри кишилари маданияти ва дунёқарашини ўрганишда ноёб тарихий манба бўлиб хизмат қилади.

Худди шунга ўхшаш мавзудаги суратлар Соймалитош, Сармишсой, Сийпантош қоятошларида, Аском ғорларида қисман табиий бўёқларда ишланган тарзда учрайди. Жумладан, жанг ва ов манзаралари Қўшработ туманининг Орлот қишлоғи қабристонида топилган.¹

Ўртача кичик ҳажмдаги учта кумуш пластинкада туя устига минган бир неча бактриялик жангчи йигитларнинг тўқнашуви тасвири нафис ўйма услубда маромига етказиб чизилган, уларнинг ҳаракатлари кескин ва дадиллиги бўрттириб кўрсатилганлиги билан қоятош суратларини эслатади. Орлот тасвирлари Зараутсой ва бошқа ғор, қоятош тасвирларидан анча мукамаллиги билан фарқланади. Зараутсойдаги ҳайвонлар ва одамлар тасвири силуэтда примитив ҳолатда чизилган бўлса, бошқа тасвирлардаги қаҳрамонлар фигураси чизиқларнинг анчайин кескин ва узлуксиз, ихчам ечимлари билан яққол ажралиб туради. Қизиғи шундаки, қоятошларга эчки, туя, йўлбарс, от ва бошқа йиртқич ҳайвонлар ҳамда одамларнинг моҳирлик билан ифоданган ҳаракатдаги ҳолатлари, кейинчалик бунёд этилган саройлар деворини безатишда ҳам қўлланилган. Тасвирий санъатнинг бошқа жанрларини кузатганимизда ҳам турли ҳайвонлар тасвири етакчилик қилади. Худди шундай тўрт восита- маҳобатли рангтасвир, ҳайкалтарошлик, амалий

¹ Илёсов Ж. Орлот осори атиқалари. Санъат, 1993, 3-4 бетлар

санъат ва меъморчилик намуналари Афросиёб саройларини ўзига хос тарзда безатган.

Етишмовчилик, зарурат ибтидоий овчига рангтасвир ва ҳайкалтарошликни ўргатди, деган эди бу ҳақда Р.В.Плеханов, 1890 йилда эса машҳур рассом Поль Гоген шундай таъкидлаган эди: “Ёшлар олис ибтидоий манбаларга мурожаат қилиб, уларнинг ҳузуридан паноҳ топадилар”². Бунинг сабаби шундаки, бу қадимий санъатда бизни ёдгорликлардаги ҳеч қандай тузатишсиз бажарилган тасвирларнинг табиий ўзига хос жозибаси беихтиёр эътиборимизни тортади.

Дастлаб ибтидоий одамзод бу тасвир ва манзараларни турар жойларга зеб бериш учун эмас, балки чизган ҳайвонларнинг суратлари бундан кейинги овларининг бароридан келишига ёрдам беради деб ишонганлар. Бироқ, кейинчалик бу фаолият бадиий ижодиётнинг такомиллашуви ва деворий сураткашликнинг юзага келиши ва тараққиёти учун асосий манба бўлиб хизмат қилди.

Маълумки, она заминимизда илк ўрта асрлар даврида ҳам ҳукмдор ва аслзода бойларнинг уйлари, бундан ташқари жамоат биноларининг ички деворий юзаларини маҳобатли рангтасвир билан безаш кенг урф бўлган эди. Тасвирлар ва нақш элементлари олдиниға лой қоришмаси билан сувоқ қилинган, кейин елим ёрдамида ишлов берилган пахса девор текислигида бажарилган. Тасвир баъзан лойсувоқ устиға тўғридан-тўғри, баъзан оқланган деворға қизил рангли туташ чизиқлар ёрдамида ҳеч қандай андозасиз моҳир мусаввирлар қўли билан бажарилганлиги аниқланган. Бунга мисол қилиб, Афросиёб саройидаги деворий суратларни келтириш мумкин.

Ўрта аср Ўзбекистонинг безак санъатида ранг ва нақш рамзийлиги биринчи ўринға қўйилади. Қайси бир тасвирни олмайлик, унинг замирида, албатта қандайдир рамзий маъно яширинган бўлади. Ғоят мураккаб нақш композициясини бунёд этар эканлар, мусаввирлар

² Формозов А.А. Памятники первобитного искусства, 101-бет.

маълумотли киши бир қарашдаёқ илғаб олиши мумкин бўлган яхши тилакларни акс эттирганлар. Хусуан, нақшдаги рангларнинг ўзларига хос маънолари бўлган. Масалан, гулсафсар осойишталик ва умр узоқлик тимсоли, тўлқинсимон гул пояси – бойлик ва фаровонлик тимсоли, новда ва япроқлар эса тўқинчилик ҳамда табиатнинг баҳор чоғида уйғонишини анлатган. Безакли нпқшу нигорлар мусаввирларнинг она табиатга чуқур муҳаббатларини ифода этиб, уларнинг жўшқин ҳаёт билан доим ҳамнафас эканликларини билдирган.

Гуллар ва нақшлар борасидаги халқ тасаввури доим сеҳр-жоду, ақидалар, урф-одатлар ва панд-насиҳатлар билан қоришиб кетган. Масалан, оқ ранг бахт ва омадни билдирган, зангори ранг олий эътиқодни, кизил ранг хушчақчақлик ва шодликни ва ҳоказо. Ранглар бир-бирига чаплаштирилмай, ҳар бир ўз ҳолича тиниқ берилсада, ҳатто бир-бирига энг зид ранглар ҳам қандайдир яхлитликка эга бўлган.

Ранглардаги бу рамзийлик Ўзбекистон халқларининг либосларига, заргрлик буюмларига, уй-рўзғор ашёларига ва турар жой безакларига ҳам узвий равишда кўчган.

Ўша давр кишиларининг диний тасаввурга мойилликларини ҳисобга олган ҳолда бир нарсани эсдан чиқармаслик лозим- халқ ҳар доим реалистлигича қолган – воқеликка амалий ёндошиб келган. Орнаментал мотивлар деган жумланинг маъносини обдон “чақилса”, унинг замирида ғоят жўн амалий мазмун ётганини кўриш мумкин. Ўрта аср ўзбек халқининг безакли амалий санъат усталари тимсоллар воситасида, яъни ўзларининг ҳайратомуз нақшу нигорлари билан халқнинг феъл-атвори, гўзалликни севиши, онг-фикрлари ҳақида ҳикоя қиладилар.

Монументал безак санъати қатор даврларда ўз ривожига, мукаммаллашувига эришган. Темур ва темурийлар даврида санъатнинг барча тури юксак даражада камол топди. Сюжетли нақшу нигорлар қайтадан жонланди. Ҳатто эндиликда у биргина миниатюра соҳасида эмас, балки монументал санъатда ҳам ривож топди. Темур амри билан

тикланган саройларнинг деворларида тўйлар, машшоқу мутриблар, сохибқироннинг ўз рамзи,м малика ва уларнинг қариндош-уруғлари, уруш ва шаҳар муҳорабаси, ҳукмдорлар, аъёнлар ва олимларни қабул қилиш маросимлари тасвирланди. Ўрта аср муаллифларининг шоҳидлик беришларича, Улуғбек расадхонасида ҳам тасвирий манзаралар бўлиб, уларда тўққиз қават осмону, етти қават ер, собиту сайёралар, тоғлар, денгизлар, саҳролар ва ҳоказолар акс эттирилган. Масжид-мадраса ва бошқа жамоат иншоотларидаги бадиий воситалар биринчи ўринда салтанат мафкурасига хизмат қилган. Амир Темур саройларнинг ички деворларида ватани ва ўзга юртларда бўлган воқеа-ҳодисаларнинг тасвирини чиздириб, ташриф буюрувчиларни ўзининг ишидан ғойибона хабардор этиб, уларга яққол намоён қилган.

Бу давр тасвирий санъатининг асосий вазифаси ҳукмдорнинг куч-қудратини, сарватини, ҳарбий шавкатини улуғлашдан иборат бўлган.

Афсуски, вайронагарчилик келтирувчи урушлар ва вақт тақозоси билан қасрлар ҳамда бошқа жамоат биноларидаги расмлар йўқ бўлиб кетган. Бу даврга оид бўлган табиат манзараси акс эттирилган расмларнинг айрим қисмлари Самарқанддаги (Ширинбека оқо, Туман оқо, Бибихоним) ва Шахрисабздаги (Гумбази Сайидон) ёдгорлик биноларининг ички қисмида сақланиб қолган. Кўк бўёқ билан оппоқ ганч устига дарахтлар, бутоқлар, кушларнинг шакллари ҳал бериб ниҳоятда нафис ифода этилган. Шу даврда ишланган миниатюраларни кўздан кечирар эканмиз, турар жой биноларининг ички қисмларига ишланган расмлар ҳам сюжет ва орнаментал нақшлардан мустасно эмаслигининг шоҳиди бўламиз. Деворий нақшлар композицияси билан миниатюралар сюжети бир-биридан деярли фарқ қилмайди. Мусаввирлар нақшлар билан чатиштириб юборилган табиат манзараларини яратар эканлар, уларга табиатнинг илк бунёдга келган чоғидаги осойишталик ғояси сингдирилган, жаннатдаги боғризвон акс эттирилган, бу эса ўз ўрнида тасвирий санъатнинг ислом ақидалари билан уйғунлашиб кетганлигини

яна бир каррпа таъкидлайди. Табиат манзаралари мусаввир томонидан шу қадар усталик ва чаққонлик билан адо этилганки, унинг қўли бамисоли қуш парвозидай эркин ҳаракат қилган, шоир тили билан айтганда, тутган мўйқалами мусаввирнинг ўз бармоқларидай аниқ ҳаракат қилган, уста билан қил ўтмас дўст мўйқалам гўё унинг амрига маҳталдай.

16-17 асрларга келиб сюжетли деворий расмлар деярли чизилмай қўйилди, улар ўрнига орнаментал композиция билан кундал усулида ишлов бериш ривожланди. Ўлкадаги энг яхши ўрта аср бинолари наққошлик ва безак санъати уйғунлигининг, нақшу нигорлар биноларнинг меъморий кўринишига ҳамоҳангликнинг ҳақиқий намунаси бўлиб хизмат қилади. Оддийгина оро берилган панелнинг юқорисида гир атрофи чиройли гул шакли билан ўралган турли-туман паннолар савлат тўкиб туради, қубббаларда эса девор гумбазига мос равишда юқорига чиққан сари торайиб борувчи орнаментлар ақлни лол қилади. Ҳар бир композиция ҳажм ва шакл эътибори билан ўзи мустақил бир тугал асар.

Ўзбекистон наққошлари ўрта аср наққошлик ёдгорликларини таъмирлаш ва янги биноларга пардоз бериш ишларида иштирок этиб, ўзларининг бор тажрибаларини, истеъдодларини ва бетакрор маҳоратларини намоён этмоқдалар (масжид, мадраса, саройлар ва турар жой биноларини таъмирлаш, кўплаб чойхона ва маданият уйлари бунинг ёрқин далилидир). Янги бинолар деворларини безашда усталар кўпинча ҳашамдор тўғарак ичига нозик мажнунтол ниҳоллари, анор булоғи ва бошқа ўсимликларнинг тасвирини туширадilar.

XX асрнинг ўрталаридан бошлаб халқ усталари билан бир қаторда монументалчи рассомлар ҳам монументал тарғиботни ҳаётга татбиқ этишда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Бу борада Ўзбекистонда тобора гуллаб бораётган деворий монументал тасвирий санъатни алоҳида тилга олиб ўтиш жоиз.

Монументал деворий тасвирнинг машҳур усталари сирасида Чингиз Ахмаровни айтмай бўлмайди. У Шарқ миниатюрасининг энг яхши

намуналаридан ҳамда Ўрта Осиё халқларининг бадиий меросидан илҳомланиб, қатор ажойиб асарлар яратди (Самарқанддаги Улуғбек музейида, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида, Шарқшунослик институтида, Тошкент метросининг Навоий номидаги бекатида, Бухородаги маданият саройида ва ҳоказо). Унинг суратлари рухий маънодорликка, ички жўшқинликка, жозиба ва рухий нафосатга бой. Одам қиёфаларининг ҳавода муаллақ акс этиши, чизикларнинг дугтор торидек мусиқийлиги, бўёқларнинг шаффофо тиниқлиги бу мусаввир мўйқаламига хос хусусиятдир. Чингиз Ахмаров ўз асарларида ўзбек халқининг асрий эстетик орзу-умидларини бадиий ифодалаган ва қадимги замон санъати анъаналарига ҳозирги замон учун хос бўлган шиддаткорлик ва қатъият ғояларини сингдириб юборган.

60-70 йилларда Ўзбекистонда бир гуруҳ ёш монументалчи рассомлар кекса наққошлар билан ҳамкорлик қилдилар. Булар ичида Б.Жалолов, А. Ва Б. Ган, Ю.Чернишевлар бор. Улар ўз ижодларида табиат гўзалликларини, долзарб меҳнатни тараннум этадилар, ўзларининг она Ватанга муҳаббатларини намоён қилиб инсон туйғусини камол топтиришга самарали таъсир кўрсатадилар. Ёш ижодкорларнинг “Гулистон” ресторани, “Баҳор” концерт зали, Тошкентдаги ўқувчилар саройи, Урганчдаги театр, Чимёндаги дам олиш уйи учун бунёд этган асарларидаги нақшу нигорлар ўзининг оригиналлиги билан диққатни жлб этади.

Ўзбек усталарининг асарлари замирида оламнинг унинг бутун нафосати билан чуқур ҳис этиш, инсон ички дунёсини билиш ва халқнинг серқирра истеъдоди самараларидан баҳраманд бўлиш ғоялари ётади. Чинакам санъат устаси бўлган одамгина мана шундай асарлар яратиши ва шундай асарларгина янги-янги санъат усталарини тарбиялаши мумкин. Ўзбек халқи икки минг йил давомида монументал-декоратив ва амалий санъатнинг шундай ажойиб намуналарини яратди ва яратмоқдаки, улар ўзининг юксак бадиий маҳорат ва назокат ила ижро

этилишлари билан бугунги кунда ҳам кишиларни ҳайратга солмоқда. Кўп йиллик тажрибалар, олмос истеъдод ва халқ тафаккури билан йўғрилган ҳар бир чинакам санъат асари ранглар сеҳр-жодуси билан қалбимизга илҳом бағишлаб, маънавий дунёмизни янада бойитади.

Биз маҳобатли рангтасвир тарихига биров назар ташладик. Бунинг сабаби, ўтмишдаги ота-боболаримиз яратган санъат асарлари, уларда ифодаланган тасвирлар, илгари сурилган ғоялар, қолаверса ўша давр ижодкор одамларининг ҳаёти ва ижоди фақатгина ўтмишнинг жонли гувоҳи бўлиб қолмай, ҳозирги замон кишисини миллийлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

1.2. XX-XXI асрларда Ўзбекистон тасвирий санъатида витраж санъати

Витраж- маҳобатли рангтасвирнинг алоҳида тури бўлиб, у жамоат ёки ишлаб чиқариш биноларида ишлатилади. Витражларнинг турли хиллари мавжуд: бир рангли, кўп рангли, керамик бўёқлар билан суратлар ишланган рангли шишалардан иборат мозаик хили, йирик ўлчамли рангли шиша блоklar ва янги пластик материаллардан иборат комбинацияланган хиллари. Уларнинг барчасини бир хусусият бирлаштиради- материал шаффофлиги ва шундан келиб чиқиб, композицияга кирган рангларнинг тўйинганлиги ва маҳкамлаш усуллари- метали, ёғочли ва бетон каркасли.

Ранг ва ёруғлик – витраж рангли композициясининг асосини ташкил қилади.

Витраж- маҳобатли безак санъатининг энг гўзал ва чиройли турларидан бири. Витражнинг кучи рангли шиша ойнада кўринади. Бунга витражнинг санъат тури сифатида тарихий ривожланиши ва замонавий витражнинг кўп мамлакатларда амалга оширилаётганлиги мисол бўла олади.

Рангли шиша ойна витражда ўта кучли таъсир қилиш хусусиятига эга. Чунки витраж одам кўзи билан куёш нури орасида бўлиб, шиша ойналар орқали ёруғлик ўтади. Шунинг учун меъморчилик биноларида кучли рангли тасвир сифатида кўзга ташланади. Готика меъморчилигида ибодатхоналар қурилишида витраждан кенг фойдаланилган. Замонавий биноларда ҳам у безак ва тасвирий санъат тури сифатида ўз қимматини йўқотмаган.

Табиий ашёлар- ёғоч, тош, метали кабилардан ташқари инсон томонидан яратилган сунъий ойна-шиша ва ойнага ранг бериш ҳаётда кенг қўлланиб келинмоқда. Замонавий шиша саноати истаган рангли ойна ишлаб чиқариш имконини беради. Шундан келиб чиқадики, витраж ишлаб чиқариш ҳам кенг имкониятларга эга.

Ойна шиша ўта ёрқин рангли бўлишидан ташқари рангсиз ҳам бўлиши мумкин. Рангли шишалар архитектурада исталган колоритли витраж асари яратишга имкон беради. Тасвирий ёки нақшинкор безак кўринишида тасвир акс этган шиша бўлакчалари ўзаро бир-бири билан уланган санъат асаридир. Дераза орқали тушаётган қуёш нури таъсирида ўзига хос камалак рангларда жилоланиб, бинога алоҳида чирой беради. Алоҳида шаклда кесилган ёки ҳар хил йўллар билан тайёрланган шиша бўлакчалари бир-бири билан ўзаро кўрғошин, латун, алюмин симлари, синтетик елим, цемент бетон ёрдамида йиғилиб бириктирилади. Витраж бинонинг интерьерини ва экстерьерини безатиб туради.

Баъзи ҳолларда дастгоҳли санъат асари кўринишида бўлиши ҳам мумкин. Бундан ташқари замонавий меъморчилик қурилишида маҳобатли безак витражи оддий дераза кўринишида ҳам бўлади. У муҳандислик-конструкторлик ва қурилиш ашёларида рангли шишанинг бадиий-эстетик томонларидан фойдаланиб яратилиши мумкин.

Умуман витраж деганда рангли ойналар тушунилса ҳам витраж тарихида баъзи ҳолларда слюда, юпқа мрамор парчалари, форфор ва ҳозирги вақтда синтетик смолалардан фойдаланилганини биламиз.

Витражда ранг эса мавзу мазмунини ва безакни бойитиб, томошабинда таассуротни янада кучайтиради. Айниқса 14-15 асрларда готика меъморчилиги витражларида рангдан кенг фойдаланилган.

Тарихдан маълумки, баъзи ҳолларда рангсиз витражни битта рангда ёки гравюра услубида шиша ойналардан фойдаланиб бажарганлар.

Ҳар қандай витраж агар у юқори профессионал юксак даражада бажарилган бўлса, албатта умуминсоний аҳамиятга эгадир.

Шу боис витраж санъати-маданият саройларига, жамоа биноларига мўлжалланиб лойиҳалаштирилади.

Витраж бажарилишига қараб кўрғошин сим, арматурали, лотун сим арматурали, алюминий сим арматурали, цемент-бетон боғловчи, елимланган каби турларга бўлиниши мумкин.

Витраж теришнинг ўзига хос томони бор. Фларенция, Византия, Готика даври Европанинг бир қатор Франция, Германия, Голландия каби собор ва ибодатхоналарнинг деразаларида кўриш мумкин. Витраж теришнинг ҳар хил усули бор.

1. Махсус рангли шишаларни, бошқа яхлит ойнага маълум бир композицион шаклда териб чиқилади ва махсус елим билан жойлаштирилади.

2. Синчли сувоқли витраж усули, У махсус композиция бўйича симларни бир-бирига пайвандлаб чиқилади. Сўнг улар махсус цемент қумли аралашма тайёрланиб синчларга суртилади. Сўнг унинг орасига махсус рангли шишаларни ўша композиция бўйича териб чиқилади.

3. Тўғридан-тўғри рангли бўёқлар билан деразага маълум композицион шакллар бўйича ранглар берилади. Бундай асарларни Тошкентдаги ибодатхоналар, черковлар ва замонавий биноларда кўриш мумкин.

Витражни юқорида санаб ўтилган ишлаш усуллари П.П. Бенков номли Республика рассомлик коллежи бинотида кўриш мумкин.

Кейинги йилларда инженерлар, рассомларнинг изланиши ўлароқ пўлат симли витраж, пайвандлаш, қуйма, штамповка каби турлари синовдан ўтказиш мақсадида яратилди. Шунингдек янги технологиядан фойдаланиб ҳам янги турлари яратилиши мумкин. Ижодкор, изланувчан рассомлар учун имконият кенгдир.

Витраж устахонаси бир-биридан алоҳида ажралган хоналардан иборат бўлиши керак. Бунда витраж тайёрлаш жараёни бир неча кетма-кет босқичлардан ибортадир. Ойна кесиш ва совуқ ишлов бериш, термик ишлов бериш, картон бажариш ва витраж йиғиш, арматура тайёрлаш, қум билан ишлов бериш хоналари бўлиши керак. Бундан ташқари ойна, металл ва бошқа асбоб-анжомларни сақлаш хоналари зарур. Бетон йиғма витраж учун алоҳида хона бўлгани маъқул.

Картон бажариш учун махсус девор-молберт бўлиши керак, шунингдек ойнага тасвир ишлаш учун тўрт оёкли ўртаси шиша ойнадан қилинган молберт бўлиши зарур. Устахонада йиғилаётган витражни узокдан кўриш учун махсус нарвон керак бўлади. Девор токчаларидан ташқари ғилдиракда юрадиган махсус асбоб-анжомлар учун столчалар ҳам керак. Ҳамма асбоб-ускуналар бир-бирига халақит бермайдиган ҳолда саранжом жойлаштирилади. Улар пухта, чидамли, ўнғай ва мустаҳкам бўлиши талаб этилади.

Витражни йиғадиган ва картон ишланадиган хона катта бўлиши керак. Одатда бу хона тўрт бурчакли ва баланд хонадир. Хонада ишлаётган рассомнинг чап томонидан ёруғлик тушиши мақсадга мувофиқ. Деразаси йўқ деворга эскиз картон осиб қўйиш мумкин. Шунингдек шкафлар, асбоблар учун токчаларга ажратилади. Деразалар шимолга ёки шимоли-шарқ томонга қараган бўлиши керак.

Хоналар яхши ҳаво сўргичлар билан жиҳозланиши зарур. Витраж устахонасида ҳамма зарур асбоб-ускуналар бўлиши лозим.

Сунъий ёритгичлар ўта ёруғ бўлмаслиги, ёруғлик кучи кўзни қамаштириб, ишга халақит бермайдиган бўлиши керак. Иш жойи чап томондан жуда яқиндан ёритилмаса, янада фойдали бўлади. Витраж йиғадиган стол мустаҳкам бўлиши керак. Стол ёруғликка яқин жойлаштирилади ва арофни айланиб юриш учун жой қолдирилади. Бу иш столи ҳамма томонидан қўл чўзганда ўртасига қўл етадиган бўлишига қараб унинг катталигини аниқлаш ишчи учун мосдир. Стол устига фанерадан шит ясаб, унинг устида витраж йиғилади. Хонада яна бир стол шиша ойнадан бўлади. Унда картонга қараб кесилган рангли ойна бўлакчаларини қўйиб, тагидаги чироқ билан рангларни мослаб текшириб кўриш мумкин. Столлар ҳар хил конструкцияли ҳам бўлиши мумкин.

2-БОБ. САНЪАТ АСАРЛАРИДАГИ ТАРИХИЙ МАВЗУЛАР. АСАРЛАРДА БУЮК СИЙМОЛАР ОБРАЗИ

2.1 Тарихий образларнинг санъат асарларидаги тасвири

Ватанимиз тарихига назар ташласак, унинг турли воқеаларга бой бўлганлигини кўрамиз. Ўзбекистон тарихи жуда қадимдан шаклланиб келган. Тарихимиз воқеаларга бой бўлиши билан бир қаторда жуда кўп қийинчиликларни бошидан кечирган.

Ахамонийлар босқинию, Искандар Зулқарнайн хужумлари, араблар босқини, мўғуллар истилоси, темурий шахзодаларнинг турли низоларию, тахт талашувлари, турли хонликлар, улар ўртасидаги низолар, келишмовчиликлар, кейинчалик чор Россиясининг зулмлари. Шу босқичларга қарамай ўзбек халқи ўзининг борлиғи, урф-одатлари, анъаналарини, ҳаммма-ҳаммасини сақлаб қола олди. Ҳар бир босқинга қарши аجدодларимиз шундай жанглар олиб борди. Бу босқинларга қарши кўплаб жасур ва мард аждодларимиз мардонавор жанг олиб боришган.

Массагетларнинг жасур маликаси Тўмарис, сак қабиласидан бўлган мард йигити Широқнинг жасорати, Искандарга қарши сўғд ўғлони Спитаменнинг кўрсатган ажойиб жасорати, арабларга қарши Муқанна, маҳмуд Таробий, мўғулларга қарши Хоразм ўғлонлари Султон Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик жасоратларини айтиб ўтиш мумкин. Булар ичида буюк соҳибқирон Амир Темурнинг қилган ишларини алоҳида айтиб ўтиш мумкин. У ўзбекларнинг элат бўлиб шаклланишида катта йўлларни очиб берди. Биринчи навбатда у ватанимизни мўғуллардан тозалади ва Моварауннахр ҳамда Хуросонда буюк давлатга асос солди. Булардан ташқари ватанимиз ҳудудидан кўплаб буюк давлат арбоблари, буюк мутафаккирлар, олимлар, шоирлар етишиб чиққан. Улар жахон цивилизациясининг ривожига катта ҳисса қўшган. Булар ичида Ал Хоразмий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Ал Фаробий, Юсуф хос Хожиб, Махмуд Қошғарий, Аҳмад Югнакий, Аҳмад

Яссавий, Алишер Навоий, Захриддин Муҳаммад Бобир ва бошқаларнинг ижодини алоҳида айтиб ўтиш мумкин. Хоразмий ўзининг “Ал жабр Вал Муқобала” асари билан алгебра фанига асос солди. Беруний эса дунёда биринчи бўлиб ернинг думалоқ эканлигини исботлаб берди ва глобусни яратди. Ибн Сино эса ўзининг “Тиб қонунлари” китоби билан дунёга машҳурдир.

Биз аجدодларимизнинг қилган ишлари билан фахрлансак арзийди. Биз улардан ўрнатқан олишимиз ва улардай ватанпарвар, эрксевар ва ватан учун ҳамма нарсага тайёр бўлишимиз, авлодларга ўрнатқан бўлишимиз керак. Биз тарихимиз зарварақларини кўз қорачиғидекасрашимиз ва уларни келгуси авлодларга тўлалигича етказиб беришимиз шарт ва зарурдир. Ватанимизда яшаётган ҳар бир инсон миллатидан, динидан қатъий назар тарихимизни билиши керак. Тарихни билмаган инсоннинг келажаги ҳам бўлмайди. Тарихни билмаслик, бу ўзлигини билмаслик дегани. Шундай экан ҳар биримиз тарихни ўрганайлик ва унинг очилмаган қирраларини топиб, халқимизга ҳавола қилайлик.³

Мана шундай улуғ аجدодларимиз образини мукамал тарзда талқин этиш бугунги кун маҳобатли рангтасвири олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида мана шундай сиймолар образини, уларнинг ҳаёт фаолиятини, қаҳрамонликларини акс эттирувчи рангтасвир асарлари талайгина. Зеро, бугун мамлакатимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан бири ёшларда соғлом фикр ва онгни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш, ватанпарварлик ҳиссини ривожлантириш, лоқайдлик асоратларини йўқотиш, уларда етакчилик ва ташаббускорлик маҳоратини ошириш, фаол фуқаролик позициясини қарор топтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш, кучли фуқаролик жамиятининг негизларини барпо этиш, мамлакатнинг жаҳон

³ <https://kun.uz/news>

ҳамжамиятида ўрин эгаллашига муносиб ҳисса қўшишда фаол иштирокчиларни таъминлашдан иборат.

Ёш авлодда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг ҳал қилувчи омилидир. Инсонлар ўзлигини чуқур англаши, мустақилликнинг қадрини тобора теран тушуниши, миллий тафаккурнинг кенгайиши ва такомиллашуви, тарихий ҳурлик, мустақиллик руҳининг уйғонишини таъминлаш маънавият соҳасидаги сиёсатимизнинг асосий мақсадига айланди. Шу боис, мустақиллик йилларида буюк алломаларимизнинг бутун жаҳонда ҳайрат билан ўрганилаётган меросини янгидан ўрганиш ҳаётий эҳтиёжга айланди. Айниқса, Имом Бухорий, Имом ат-Трумизий, Бурхониддин Марғиновий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Аз-Замахшарий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Қаодирий, Фитрат, Чўлпон ва бошқа кўплаб буюк сиймоларимиз илмий-адабий меросини ўрганиш мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамиятининг миллий-маънавий негизларини ташкил этмоқда.⁴

Маънавият инсонларда юқори даражада такомил топган инсонпарварлик ҳислатларининг йиғиндисидир. Маънавият кенг қиррали сермазмун ва инсондаги нозик томонларни қамраб олган фалсафий тушунчадир.

Ҳар қандай мавзудаги композиция асарини яратиш учун ишлаётган рассом ўзи ишламоқчи бўлган мавзу юзасидан барча маълумотларни чуқур билиши керак. Айниқса бирор тарихий мавзуга қўл

⁴ Ўзбекистон санъати. А.Ҳакимов. Шарқ, Т- 2001.

уришдан олдин ўша тарихий давр билан, ўша давр тарихий воқеалари, ўша даврда яшаган инсонлар ҳаёти, турмуш тарзи, уларнинг кечинмаларидан рассом яхши хабардор бўлиши керак. Шундагина яратилган композиция асари ҳаққоний, таъсирчан кўринишда бўлади.

Ҳар қандай мавзудаги композицияни яратишда у ўрин оладиган бино моҳиятидан келиб чиқиб ишлаш, моҳиятан бино ва ундаги композиция кўринишини бир-бирига узвий боғлай олишга ўрганиш керак. Бўлғуси ижодкор монументалист-рассом мутахассисларнинг ҳозирги замон тасвирий санъати янги поғоналарини эгаллаш, яратилган ва яратилаётган асарларни бадиий таъсирчанлигини англаш, маҳобатли рангтасвир бадиий ғоясини ошириш, ривожлантириш йўналишларини белгилаб олиш бўйича назарий, амалий билимларини шакллантиришдан иборатдир.

Бу жараён бўлғуси ижодкор рассом дунёқарашини шакллантиради, мустақил ижодда атроф олам, кундалик ҳаёт воқеа ва ҳодисаларини кузата оладиган, ўз ҳоҳиш-иродасига мос мавзу танлаш мақсадини кўяди.

Ижодкор “Маҳобатли рангтасвир” композицияси устида ишлаш давомида композиция воситаларидан фойдаланиб, унинг асосий ғоясини ва асар мазмунини бинода очиб беради.⁵

Мен ҳам ушбу битирув малакавий ишининг мавзуси устида ишлаганимда бой ўтмишимиз, буюк сиймоларимиз ҳақида кўплаб китобларни ўқиб чиқдим, кўплаб санъат асарлари билан танишдим. Бундай асарлар ҳозирги ва келажак авлодга қимматли маълумотлар беради, ўтмиш, ҳозирги кун ва келажакни боғловчи кўприк вазифасини бажаради. Шунингдек, улар улуғ аجدодларимиз ҳақидаги тарихий ҳақиқатни юзага чиқаришда беқиёс аҳамиятга эга.

⁵ Султонова Д.Н. Ўзбекистон меъморчилигида тасвирий ва бадиий воситаларни уйғунлаштириш. “Санъат” нашриёти, Тошкент-2010

Зеро, Амир Темур ҳақида ноҳолис, ғайриилмий тарихий ва бадий асарлар анча-мунча топилади. Айниқса шўро мафкураси улуғ аждодларимизнинг тарихий хизматларини ерга урди, уни “босқинчи”, “золим”, “саводсиз” деб атади. Шу мафкурага хизмат қилган шўро тарихчилари, адабиётчилари уни қоралаган “асарлар” ёздилар. Ана шу ноҳолисликка қарама-қарши ўлароқ, улуғ бобомиз ҳақида ўз миллатимиз муаррихлари ва адибларининг ёзган асарлари катта аҳамиятга эгадир.

Тарихий мавзуларни теран тадқиқ қилиб, турли кўринишларда рангтавир асарлари яратиб, санъатимизни бойитиб келаётган юксак иқтидорли ижодкор рассомлар талайгина. Улар ишлаган асарларда томошабинлар кўзи ўнгида буюк ватандошларимиз сиймолари, Ўзбекистоннинг бадий меросидаги шоҳ асарлар, бой миллий тарихимизни ўзига хос босқичларини аниқлаб келувчи даврлар гавдаланади.

Тарихдан маълумки, қадимдан шоҳлар саройида махсус кишилар бўлиб, улар шу ҳукмдорнинг тахтда ўтирган давридаги муҳим воқеа-ҳодисаларни бирма-бир қоғозга тушириб борганлар. Уларни солномачилар деб аташган. Амир Темур даврида ҳам сарой солномачилари соҳибқироннинг ҳарбий юришлари ва ўша даврга хос муҳим воқеаларни ёзиб боришган.

Бундан ташқари тарихий воқеа-ҳодисалар, ўша давр турмуш тарзи, яратилган меъморий обидалар кўриниши ҳақида биз кўплаб миниатюра асарлари орқали билиб олишимиз мумкин.

Академик Г.А.Пугаченкованинг “Среднеазиатские миниатюры” (“Ўрта Осиё миниатюралари”) асарида 17та миниатюра илова қилинган. Улардан иккитаси 1628 йилда Самароқандда кўчирилган Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асридан олиниб, соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ тасвирдир. Миниатюралардан бири “Темур ва Тўхтамиш аскарлари ўртасидаги жанг” деб аталади. Унда Амир Темур жангни кузатаётган ҳолатда тасвирланган.

Абдуллоҳ Хотифийнинг 1568 йилда “Темурнома” асари “Темур қабулида” миниатюраси билан зийнатланган. Соҳибқирон кошинлар билан безатилган айвондаги тахтда ўтирибди. Вақт ўтиши билан соҳибқирон юзи тасвири ўчиб кетган, бироқ узок ўтмишда яшаб ўтган бобокалонимиз сурати аниқ чизилгани эҳтимолдан йироқ. Атрофда гулзор, дарахтлар қийғос гуллаган, гиламда меҳмонлар ўтиришибди, мустқа асбобларидан ёқимли оҳанглар таралмоқда. Хизматкорлар шароб ва таомлар келтиришмоқда.

“Зафарнома” асарининг турли йилларда кўчирилдган нусхаларида ҳам миниатюранинг турли мактабларига оид тасвирий санъат асарлари учрайди. “Амир Темур Моварауннахр тахтида” ва “Балхда қабул маросими” кабилар ана шулар жумласидан. Улардан бири 1436 йилда Шерозда, иккинчиси 1467-1468 йилларда Хиротда ишланган.

Ҳозир Балтимордаги Жон Гаррит кутубхонасида “Амир Темур шахзодаларни қабул қилмоқда” номли миниатюра сақланмоқда. 22х15 сантиметр ўлчамли бу асар олтин суви юритилган қоғозга сиёҳ билан чизилган. Унда Амир Темур нақшли тахтда ўтирибди. Шахзодаларнинг кўлларида турли соқға-саломлар. Унда қилич-қалқон, камон, ўқ-ёйлар билан безатилган от ҳам тасвирланган. Маросим боғда, гуллагна дарахтлар, гуллар, кўм-кўк ўтлар оғушида ўтказилмоқда. “Амир Темур кўшинлари Смурна қалъасини забт этмоқда” асари эса Балтимордаги Жон Хопкинс университетига тегишли. У юқорида тилга олинган миниатюрадан биров кичик. Унда 1402 йилдаги жанг тасвирланган. Бош кўмондон Амир Темур от устида жангга раҳбарлик қилмоқда. Унинг лашкарлари камон, найза, қиличлар билан қуроқланган.

Ҳазрат соҳибқирон сиймосини яратиш Ғарбий Европа тасвирий санъатида ҳам кўзга ташланади. Миниатюралардан фарқли ўлароқ Ғарб мусаввирлари ўз асарларида мойбўёқдан фойдаланишган.

Тарих фанлари номзоди Д.Қурбонованинг гувоҳлик беришича, Париждаги миллий кутубхонада Амир Темур тасвири туширилган тўртта

сурат бор. Италиян рассоми мўйқаламига мансуб биринчи суратда соҳибқирон Флоренциялик олийжаноб дворян кўринишида тасвирланган. Немис мусаввири улуғ зотни герман императори қиёфасида чизган. Учинчисида инглиз лорди, француз рассоми асарида эса Франция кироли Карл Вига ўхшайди.

Амир Темурдек оламшумул тарихий шахс голанд рассоми Рембрандт Хармес ван Рейн ижодидан ҳам четда қолмаган. Буюк мусаввир кўплаб автопортрет ва портретлар туркумини яратган эди. У бобурийлар даври хинд миниатюраларидан фойдаланиб, Амир Темурни Умаршайх Мирзо, Захириддин Муҳаммад Бобур, унинг фарзанди Хумоюн ва невараси Акбар даврасида чизган. Рембрандт бу асарини тасвирий санъатнинг графика усулида яратган. Шундай бўлсада, унинг ҳазрат соҳибқиронга бағишлаб чизган сурати тарихий ва бадий ноёб тасвир ҳисобланади.

Украинада яшаган поляк мусаввири Станислав Хлебовский томонидан 1878 йилда яратилган асар “Боязид Амир Темур тутқунлигида” деб номланган. Картинада Боязид зиндонда, алоҳида хужрада худди қафасдагидек ўтирибди. Бу тарихий ҳақиқатга зиддир. Амир Темур Боязидни зиндонга ташламаган. Аксинча. Унга илтифот кўрсатиб, яхши муомалада бўлган. Боязид вафот этганида қайғуриб, унга иззат-ҳурмат кўрсатиб дафн этишни буюрган. Француз олими ва адиби Люсен Кереннинг фикрича, душманлар бу билан атайлаб Амир Темур ҳақида салбий фикрлар туғдиришга ҳаракат қилишган.

Тарих фанлари доктори Убайдулла Уватов томонидан арабчадан ўзбек тилига таржима қилиниб, 1992 йилда нар этилган ибн Арабшохнинг “Амир Темур тарихи” асарининг биринчи жилди дастлабки саҳифасида Темур бобомизнинг сурати берилган. “Ҳиндистон тарихи” асарида олинган бу суратни рассом Мородан чизган. Суратда ҳазрат соҳибқироннинг юз-кўзи кўпроқ хинд рожаларига ўхшаб кетади. Кийим-кечаклари ҳам хиндларга хос қилиб тасвирланган.

Амир Темур қай суратда бўлгани тарихий асарларда баён қилинган. Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида куйидаги иқтибосни келтирамиз: “Темур гавдаси келишган, узун бўйли одам эди, пешонаси очиқ, калласи катта, овози жарангдор, елкалари кенг, қовурғалари узун, мускуллари кучли эди, узун соқол қўйиб юрарди”.

Ўзбекистон Бадий Академияси академиги, Ўзбекистон халқ рассоми, профессор Малик Набиев ҳазрат соҳибқирон сиймосини яратишни умр бўйи орзу қилиб келганди. Таниқли мусаввир аввало Амир Темурнинг ташқи қиёфаси баён этилган Шарафиддин Али Яздий ва ибн Арабшоҳ асарларига мурожаат қилди. Бундан ташқари буюк зот мансуб бўлган барлос қавми одамларига хос юз-кўз тузилиши, миниатюра асарларида акс эттирилган темурийлар суратларини ўрганиб чиқди. Малик Набиев қаламига мансуб портретда самимият ва меҳр тўла нигоҳ, ақл-заковат ва донолик уфуриб турган миллатимизга хос қиёфа яратилган.

Ҳазрат соҳибқироннинг Тошкентда от сутида, Самаорқандда тахтда ҳамда Шахрисабзда куч-ғайрат ва юксак орзуларга тўла йигитлик даври акс этган муаззам ҳайкаллари Ўзбекистон Бадий Академияси академиги, Ўзбекистон санъат арбоби, профессор Илҳом Жабборов томонидан яратилган.

Амир Темур музейининг бош залида соҳибқирон ўз мулозимлари билан ўтказаётган мажлис-машварат тасвирланган улкан деворий сурат бор. Бу суратни С.Қорабоев, Т.Болтабоев, С.Камолов, Х.Назаровдан иборат “Санойи нафиса” гуруҳи рассомлари яратишган. Соҳибқирон тасвири чизилган кўплаб рангтасвир асарларининг юртимиз рассомлари ижодига мансублиги қувонарлидир.

Рассом З.Фахриддиновнинг экспозициясига “Амир Темурнинг Самарқандга кириб келиши” ва “Амир Темур” картиналари қўйилган. Рассом А.Алиқулов ўз асарида соҳибқирон ва Тўхтамишхон ўртасида бўлиб ўтган жангни тасвирлаган.

М.Нуриддинов чизган полотнода Амир Темур давлат рамзи-байроқни қабул қилмоқда. Экспозицияларда портрет жанрига тааллуқли асар ҳам бор. “Амир Темур падари бузруквори Тарағай Баҳодир билан”, “Амир Темур Хожа Аҳмад Яссавий билан” каби расмлар шулар жумласидан.

Амир Темур ҳазратлари сиймоси чиннида ҳам акс эттирилган. Чиннисозлик, ҳайкалтарошлик ва рангтасвир бир-бири билан омихта, уйғун ҳолда ишлангани учун ажойиб асарлар вужудга келган.

Дарвоқе, темурийлар тарихий давлат музейида улуғ саркарда Амир Темру иштирокидаги жанг манзараси қўй терисида тасвирланган картина ҳам бор. Уни рассом Ф.Рахматуллаев моҳирона ишлаган. Рассом-ўймакор З.Ҳайдаров эса буюк аجدодимиз суратини тут ёғочига ўйиб тасвирлаган.

Мамлакатимиз ва чет эл тасвирий санъат намоёндалари томонидан яратилган ранг-баранг асарлар улуғ саркарда ва давлат арбоби Амир Темурга юксак ҳурмат-эътибор ифодаси ҳамда темуршуносликка қўшилган муносиб ҳиссадир. Бу соҳадаги ижодий изланишлар бардавом бўлиши шак-шубҳасиз.

Мана, кўриб турганимиздек, тарихий мавзуда бажарилган ҳар қандай асар, хоҳ у адабий бўлсин, хоҳ санъат асари бизга қимматли маълумотларни билиб олишимизда ёрдам беради.

Бадий образлар ўз навбатида тингловчи ёки томошабиннинг онгига, фикрига, қалбига, ҳис-туйғусига таъсир ўтказиб, унинг эстетик дунёқарашини шакллантиришга, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилади. Бутун дунёда буюк аجدодларимизнинг сўнмас даҳосига ҳурмат-эҳтиром, уларнинг бой илмий меросини ўрганишга қизиқиш ҳамиша юқори бўлган. Хорижий мамлакатларда уларнинг ьҳаёти ва фаолияти ҳақида илмий ва бадий асарлар яратилган, улуғ аждодларимиз хотирасига ёдгорликлар барпо этилган.

Мустақиллик йилларида бу қизиқиш янада ортиди. Мамлакатимизда халқаро илмий-маданий ҳамкорлик кенг йўлга қўйилди, ушбу мавзуга бағишланган йирик илмий анжуманлар таъкил этилди. Буюк олим ва мутафаккирларимиз, қадими шаҳарларимизнинг юбилейлари халқаро миқёсда нишонланди. Президентимиз раҳнамолигида улуғ алломаларимиз, азиз авлиёларимиз қадамжолари обод этилмоқда. Миллий-маъанавий меросни тиклаш ва асраб-авайлаш, илм-фан ва таълимни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2.2 “Тарихдан лавҳалар” битирув малакавий иши мазмун- моҳиятининг таҳлили

Ҳар бир рассом учун кўнглига яқин мавзунини танлаш муҳим. Рассом ижодий фаолияти давомида бу мавзунини турфа ранглар ва ҳар хил композицияларда ифода этади.

Мен ушбу диплом ишимда тарихий мавзуда ишлашни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Ушбу витражни ишлаш учун энг мос жой, давлатимиз тарихи билан боғлиқ бўлган бино- Наманган Давлат университетининг тарих факультети биносидир. Сабаби, ҳозирги даврда инсон тарбияси, айниқса ёшларимизнинг маънавиятини юксалтириш, уларни миллий руҳда тарбиялаш энг долзарб масалалардан биридир. Мана шундай масъулиятли вазифани албатта таълим муассасалари бажаради.

Композицияни ишлашга киришар эканман, мен аввало Ватанимиз тарихи, улуғ бобокалонларимиз ҳаёти, уларнинг қаҳрамонликлари, ибратга молик фаолиятлари билан яқиндан танишишга ҳаракат қилдим. Тарихий мавзудаги, ўтмиш тарихимиз ҳақидаги китобларни мутолаа қилдим. Тарихий мавзуларда кўплаб асарлар яратган устоз рассомлардан маслаҳатлар олдим. Ватанимиз тарихи ҳақида эшитган, билганларимни жамлаб, бирлаштириб, ушбу композиция ишимни бажардим.

Мен яратган рангтасвир композициясида турли тарихий даврлар ўз ифодасини топган. Тарих факультетининг фойесидаги деразаларда бажарилган витраж ишим бир-биридан маълум масофа, ораликда жойлашган учта дераза ойналари учун мўлжалланган бўлиб, у “триптих” услубида бажарилган. Яъни учала рангтасвир асари битта мавзуга бағишланган, бир-бирининг узвий давоми сифатида ишланган.

Тарихий картинада албатта персонажлар иштирок этади. Сабаби, айнан инсон ижтимоий муносабатларнинг ифодаловчиси ҳисобланади. Мен яратган рангтасвир ишида ҳам тарихий давр руҳи, унда бўлиб ўтган

воқеа-ҳодисалар, тарихий кўриниш айнан реал тарихий образлар мисолида очиб берилган.

Композициянинг биринчи бўлагид а афсонага айланган сиймолардан бири, Турон халқларининг ахамонийлар босқинига қарши курашига раҳбарлик қилган жасур саркарда аёл- жасоратли Тўмариснинг от устида мағрур ўтирган ўғлини жангга кузатиш вақти тасвирланган.

Мен ўз рангтасвир асаримда Тўмарис сиймосини ифодалаганман. Бунинг учун бу мард аёл ҳақидаги кўплаб адабиётларни кўриб чиқдим.

Аждодларимизнинг босқинчиларга қарши мардонавор курашлари бир неча минг йиллар олдин мағриб ва машрикда афсоналарга айланган, улар ҳақида кўплаб асарлар ёзилган. Ана шундай афсонага айланган сиймолардан бири жасоратли Тўмарисдир. Турон халқларининг ахамонийлар босқинига қаршикурашига раҳбарлик қилган жасур саркада аёл. Қадимги юнон тарихчиси Геродотнинг “Тарих” (мил. авв. V аср) асарида ёзилишича, Ахамонийлар давлати асосчиси Кир 2 мил.авв. 530 йилда Туронга бостириб кирганида Тўмарис массагетлар қабиласининг маликаси бўлган. Массагетлар бу пайтда Амударё (Аракс) бўйлари ва Қизилқумда яшашган. Тўмарис массагетлар подшосининг хотини бўлиб, у эрининг вафотидан сўнг давлатни бошқарган. Эрондан келган босқинчилар қўшини билан массагетлар ўртасида шиддатли жанглар бўлган. Датслабки жангда Тўмариснинг ўғли Спарангиз бошчилигидаги массагетлар ғолиб чиққан. Бироқ кейинги жангда форслар ҳийла йўли билан Спарангиз ва айрим массагетларни асир олишганда, ор-номусга чидай олмаган Спарангиз ўзини ўлдирган. Тўмарис ўғлининг ҳалокатидан эсанкираб қолмай, ўз халқининг манфаатини ўйлаб, Кир 2 дан массагетлар юртидан чиқиб кетишини сўрайди. Бироқ форслар шохи рад жавобини бергач, икки ўртада аёвсиз жанг бўлган. Геродот массагетлар ва форслар ўртасидаги жанг тафсилотларини ўз асарида қуйидагича тасвирлайди: “Менинг билишимча, бу жанг варварлар ўртасидаги барча жанглардан ҳам даҳшатли бўлган. Аввал ҳар иккала қўшин бир-бирини узоқ

масофадан туриб, камондан ўққа тутдилар. Камон ўқлари тугагач, улар найза ва қилич билан курашдилар. Жанг узоқ вақт давом этди. Кўп қон тўкилди. Ниҳоят, массагетлар ғалаба қозондилар. Форс қўшинларининг асосий қисми, жумладан Кир 2 ҳам жанг амйдонида ҳалок бўлган. У тўлиқ 29 йил шохлик қилган эди. Кир 2нинг жасади топилгач, малика Тўмариснинг буйруғи билан унинг кесилган боши инсон қони билан тўлдирилган мешга солинган. ”

Композициянинг юқори қисмида буюк саркарда, жангчиларнинг жангдан ғалаба билан қайтиш вақти тасвирланган. Бу ерда мен ўз тасаввуримда ўрта асрлар- Амир Темур ва темурийлар даврини гавдалантирдим.

Композициянинг иккинчи бўлагида –пастда буюк аجدодларимиз-улуғ бобокалонларимиз, буюк аллолмалар- математик олим Муҳаммад Мирзо Хоразмий, қомусий олимлар Аҳмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, тиббиёт илмининг асосчиси Абу Али Ибн Сино, араб тили грамматикасини мукаммал тарзда ишлаб чиққан Маҳмуд Замахшарий, ўзида мингда зиёд юлдузлар ҳаракатини жамлаган астрономик жадвал яратган Мирзо Улуғбек сингари улуғ мутафаккирларимиз тимсолидаги устоз ва унинг атрофидаги шогирдларини ифодалашга ҳаракат қилдим. Композициянинг пастки қисмида ўша даврда ишлатилган турли илм-фан асбоб-ускуналари. Композициянинг юқори қисмида замондошларимиз-ўртада деҳқон, унинг бир ёнида дин уламози, иккинчи томонида ёш зиёли-талаба тасвири.

Витраж композициясининг учинчи бўлагининг пастки қисмида Улуғ Ватан уруши вақтида Украина, Белоруссия ва Россиядан Тошкентга эвакуация қилинган турли миллатга мансуб 14 та етим болани ўз тарбиясига олган тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомахмудов хонадонини тасвирлаганман. Зеро, ер юзида жуда камдан-кам давлат ва миллат бундай юксак инсоний фазилатлар билан ғурурланиши мумкин.

Менинг композиция ишимда Шомахмудовлар оиласининг уруш вақтида кўрсатган фидойиликлари ўз тасвирини топган. Улуғ Ватан уруши вақтида Украина, Белоруссия ва Россиядан турли миллатга мансуб бир милддиондан ортиқ аҳоли, шу жумладан 200 минг нафар ёш болалар Ўзбекистонга эвакуация қилинган. Халқимиз уларга меҳр бериб, бошпана, озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаган. Айниқса жуда кўп ўзбек оилалари етим болаларни ўзига фарзанд қилиб олиб, тарбиялаган. Ана шулардан бири 14та етим болани ўз тарбиясига олган тошкентлик темирчи Шоахмад Шомахмудов хонадонидир. Вақт ўтган сари Шомахмудовлар оиласи кўрсатган бу қаҳрамонликнинг аҳамияти ва қадри тобора ошиб бормокда. Бу оила шарафига Тошкентдаги Халқлар дўстлиги майдонида монумент ўрнатилган.

Асарнинг тепа қисмида туялар карвонининг тасвирини бердим. Олис ўтмишда юртимиз ҳудудидан ўша давр учун муҳим бўлган халқаро савдо-иқтисодий йўллар, энг аввало Буюк Ипак йўли ўтган. Кенг ривожланган савдо алмашуви мамлакат хўжалигининг, шунингдек, йўллар ўтадиган ҳудудларнинг ривожланишига имконият яратган.

Менимча, рангтасвир асари- витраж композициясида тасвирланган ҳар бир лавҳа буюк тарихимиздан ҳикоя қилади. Ҳар бир лавҳадаги тасвирлар бир-бири билан узвий боғлиқликда ҳал қилинган. Улардаги ранглар, тўқ, оч колоритдаги тасвирлар композиция асосида ётувчи ғояни, композиция мазмун-моҳиятини очиқ беришга қаратилган. Айниқса унда ёрқин рангларнинг кўплиги Ватанимиз тарихи фақат қонли урушлар, қора кунлардан иборат бўлиб қолмай, аجدодларимизнинг фаровон келажак учун интиланган ёруғ кунлари, мақсад-интилишлари, буюк режаларини ифодалайди.

Рангтасвир асарида композицион яхлитликни ҳис қилиш мумкин. Еггил ҳаво ҳарорати ҳис қилинган рангтасвир композициясида ранг ва ёруғлик асосий ўрин тутди, тасвир тўлалигича турли ранглар ва турли тасвирлар манзарасига кўмилган. Қуёшнинг кўзни қамаштирувчи нурлари

шу тарзда ифодаланган. Композицион ва рангтасвир воситалари асосида мавзунинг асосий моҳияти очиб берилган. Сюжет қаторини тузишда ранг ва ифодалилиқ ечими меъёрлари сақланган.

Мана шундай ғоя, мазмун, фикрлар композиция моҳиятини ташкил қилади. Бир инсон қалбидан отилиб чиққан Ватан меҳри, унга садоқат, унинг тарихига нисбатан ҳурмат, тинч-фаровон турмушдан шукроналик руҳи ўз ифодасини топган.

Хоҳ санъатда, хоҳ адабиётда бўлсин, тарихий мавзу, ўтган аجدодлар ҳаёти, уларнинг қаҳрамонликлари, ватанга муҳаббати, садоқати, биз, ёшлар учун намунадир. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда тарихий мавзудаги, ўтмиш даврнинг турли босқичларини ёритиб берувчи композициянинг тарих факультети биносининг энг кўзга ташланадиган жойи-фойега ўрнатилиши айтиш мумкин.

Ушбу асарнинг долзарблиги шундаки, унда маҳобатли рангтасвир қонун-қоидаларини сақлаган ҳолда, ишлаш техникасидан усталиқ билан фойдаланиб, тарихий сиймолар образлари жасурлик, билимдонлик, саҳийлик, инсонийлик каби хислатлар билан йўғрилган ҳолда улкан яратувчилик ишлари қамровида кўрсатилган.

Танланган объект, аниқроғи ўқув муассаси кириш қисми-фойесига витраж техникасида ишланган маҳобатли рангтасвир асари бир неча вазифани бажаради. Рангтасвир композицияси бир вақтнинг ўзида ҳам фасад, ҳам интерьерни безатади ҳамда картина сюжети устида ўйлашга мажбур қилиб, томошабинга эстетик завқ бағишлайди.

Ўқув муассаси муҳим таълим-тарбия жойи ҳисобланади. Мен танлаган мавзу устида ишлар эканман, бу бионинг қандай қийматга эга эканини назарда тутдим.

Витраж иши учун бу жойнинг танланиши тасодифий эмас, бинога қараган кишининг кўзи дастлаб шу жойга тушади. Витраж иши бино фасади ва интерьерига тугалланганлик ҳиссини беради.

Витраж иши ўлчамлари бинода 14,5x4,5метр, уртадаги дераза 14,5x5,5 метр, эскиз ишида 1,65x1,77метр, фрагмент эскизи- 120 x 85 сантиметрли ойнада ишланган.

Деразаларни маҳобатли рангтасвир композицияси билан бадий безатиш фасад ва интерьерни бойитади ва у ерга рангли акцентни олиб киради. Маҳобатли рангтасвир меъморий мажмуанинг ҳамма ташкил этувчилари билан ўзаро боғлиқликда бўлгандагина яхлитлик ва тугалланганликка эга бўлади.

Бу ажойиб бинога тугалланганлик элементини олиб киришни диплом ишимнинг асосий мақсади деб биламан. Унга, томошабинга ижобий таъсир кўрсатадиган янги колористик моҳият олиб кирсам дейман. Бу билан у ердаги ижодий ҳолатни кўтарган ва бу ноёб бино фасади ва фойеси интересида ҳукмрон бўлган ижобий йўсинга келтирган бўлардим. Менинг ўйлашимча, бу санъат асари томошабинни илҳомлантиради ва эстетик озиқлантиради.

Мен “Тарихдан лавҳалар” мавзусидаги композиция ишимни шу ерга жуда мос келади деб ҳисоблайман. Рангтасвир иши иссиқ-совуқ ранглардан ташкил топган.

Фрагмент сифатида жонкуяр, меҳрибон аёл, Шомахмудовлар хонадонининг бекаси образини танладим.

Шунингдек фомиксдан ишланган экстерьер макети, 100x100 см ўлчамли планшетда ишланган лойиҳа иши, композиция эскизи бажарилган.

Маҳобатчи рассом доимо объектдан келиб чиққан ҳолда рангтасвир ишини ишлайди. Ўқув муассаси бажарилган композиция иши учун жуда мос келади. Бу ердаги талаба ёшлар ва педагоглар эстетик завқ бағишловчи чиройли “рангтасвир асари” билан бирга қизиқарли композиция ва сюжетга эга бўлган мукамал ишланган витражни кўрадилар. Витраж иши уларни ўйлашга, мушоҳада қилишга, фикрлашга, ҳулоса чиқаришга, тафаккур қилишга ундайди, уларни илҳомлантиради.

Витраж уйғун кўринишда ва фасад ҳамда интерьерга мос тушади. Мен томошабинни ўз асарим билан инсон тафаккурининг рангли панносига ва ранглар уйғунлигига олиш киришни истадим.

Битирув малакавий иши қўйиладиган ҳамма талаблар бўйича бажарилди. Диплом ишининг таркибий қисмига лойиха иши, макет, композиция эскизи ва композициядан фрагмент киради.

Иловада мавзуга мувофиқ келувчи, шунингдек композициянинг бажарилиш жараёни фотосуратлари тақдим қилинган.

ХУЛОСА

Амир Темур ва темурийлар давлатининг бош шиори “Рости-русти”, яъни “Куч- адолатдадир” бўлганлиги учун ҳам бу шиор нафақат Марказий Осиёдаги давлатларга, балки бутун дунё давлатларида илм-фан, маданият, архитектура ва санъатнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Шунинг учун ҳам санъатшунос олим Артур Поуп: “Оврупа ҳамон уйкуда чоғида, ислом донишлари оламнинг ярмини илму урфон нури билан чулғаган эди”- деганида Улуғбек даври фани ва маданиятини назарда тутган бўлса, швед санъатшуноси Ф.Р.Мартин темурийлар даврига доир тасвирий санъат намуналарини ўрганиш натижасида бу давр санъати биргина Осиёнинг эмас, балки жаҳон санъатининг катт ютуғи эканлигини қайд этган ва темурийлар сингари санъатни қадрлаган хукмдорлар Марказий Осиёда бўлмаган, деган хулосага келган эди.

Катта ёки кичик миллат бўлишидан қатъий назар, ҳар бир миллатнинг ўз тарихий йўли ва жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси бўлади.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг ўз тарихимизни чуқур ўрганиш, миллий қадриятларимизни қайта тиклаш, уни халқ оммаси орасида кенг тарғиб қилиш имконияти пайдо бўлди. Шу муносабат билан Наполеон Франция учун, Пётр 1 Россия учун буюк саркарда ва миллий қаҳрамонлар ҳисоблансалар, Амир Темур ҳам Марказий Осиёни бирлаштириш ва бу ерда фан-маданиятнинг ривожини учун катта улуш қўшган, тарихни олға ҳаракатлантирган буюк тарихий шахсдир. Ҳурматли Президентимиз Ислам Каримовнинг таъбири билан айтганда: “Амир Темур ва унинг авлодлари шахсини идрок этиш- тарихни идрок этиш демакдир. Ўтган буюк аجدодларимизни англаш- ўзлигимизни англаш демакдир. Аждодларни улуғлаш- тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир”.

Миллий туйғу, руҳият (миллий психология) – субъектнинг объектга бўлган муҳим муносабати, мазкур муносабат мазмунида акс этувчи хусусият бўлиб, у ижтимоий муносабатлар, шахснинг атроф-муҳитга

таъсирида намоён бўлади. Миллий туйғуга эга шахс ўзини миллат вакили эканлигини ҳис эта олиши, у кечирадиган турмуш тарзи миллатдошлариники билан уйғун бўла олиши лозим.

Сир эмаски, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир. Шу боис мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданок, буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш мақсадига катта ҳамият бериб келинмоқда.

Президентимиз Ислом Абдуқаниевич Каримов айтганидек, “Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт- жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият- маърифат ва сиёсий онг етуқлиги унинг руҳи, ақли ва жонидир. Буюк давлат, буюк келажагимизга эришиш учун оқил маърифатли, аини пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак” (“Баркамол авлод орзуси” 85-бет).

Шундай экан, ёшларга миллий уйғониш ва умуминсоний қадриятларни идрок этиш мафқураси асосида, Ватанга меҳр-муҳаббат, мустақиллик идеалларига садоқат руҳида таълим-тарбия беришимиз керак.

Шу жиҳатдан қараганда шаҳарларимиз кўркига кўрк қўшиб турган меъморчилик биноларида ўз ифодасини топган маҳобатли рангтасвир асарларининг бугунги замон кишисини, хусусан ёшларни миллий маънавият руҳида тарбиялашдаги ўрни беқиёсдир.

Бугун миллий санъатимиз умумжаҳон бадиий манзарасининг ажралмас ва ўзига хос бўғини сифатида гавдаланди. Санъатнинг анъанавий турлари (томоша санъатлари, мусиқа, хунармандчилик соҳалари) билан бир қаторда

Шарқ ва Ғарб маданиятлари уйғунлашувини намоён этувчи санъат шакллари (рангтасвир, графика, кино, телевидение) ҳам тўлақонли ривожланди.

Мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистон санъати мураккаб ва серқирра ривожланиш йўлини босиб ўтди. Кўхна тарих олдида йигирма йил албатта қисқа бир лаҳзадек туюлсада, давлатимиз тақдирида юз берган туб тарихий бурилишлар, авваламбор, Мустақилликнинг қўлга киритилиши кўхна ижтимоий ҳаётнинг барча қатламларига ўзининг улкан ижобий таъсирини ўтказди.

Маҳобатли санъат ўзининг функционал вазифасидан келиб чиққан ҳолда биринчи бўлиб жамиятдаги ўзгаришларга нисбатан ўз муносабатини билдиради. 90-йилларда яратилган миллий санъат ва маданиятнинг буюк арбоблари ва тарихий шахсларга бағишланган қатор маҳобатли санъат асарлари муҳим аҳамият касб этади. Зеро, миллий ғоя ва мафкуранинг шаклланиш жараёнида ватанпарварлик ва фуқаролик бурчларини намоён этувчи санъат соҳасига айланди.

Рангтасвирда бадиий жараён шиддатли ва ёрқин кечди. Кейинги йилларга оид рангтасвир санъати турли услублар қўламининг кенглиги билан намоён бўлди. Академик реализм мактаби ўз мавқеини сақлаган ҳолда кўпроқ ноанъанавий услублар, яъни мажозий-ассоциатив асарлардан тортиб инсталляция ечими тарзида бажарилган асарлар устун келиши кузатилади. Агар 70-80 йилларда Ўзбекистон рангтасвири ривожига миллий ўзига хослик соцреализм услубидаги изланишлар билан белгиланган бўлса, сўнгги йиллар услуб ва йўналишларнинг кенгайиши ҳамда ижодий эркинликнинг тараннуми билан изоҳланади. Рассомлар борлиқни ўз ижодий дунёқарашлари орқали ўзига хос тарзда ифода этишлари, бадиий жараён ривожига рассом шахсининг ўрни аҳамиятли бўлганлигидан далолат беради. Ҳозирда, 70-80 йилларда тамал тоши қўйилган ва миллий рангтасвир мактабининг ўзига хос услуби сифатида намоён бўлган декоративизм билан ёнма-ён, турли авангард йўналишлар ҳамда миниатюра талқини услуби ҳам кенг ривож топмоқда. Ўзбекистон замонавий рангтасвир санъатининг асосий тамойиллари

услубларнинг кенг кўламлиги ҳамда юқори ва чуқур ижрочилик маҳорати, образлар мазмундорлигини сақлаган ҳолда, реалистик анъаналардан тортиб, авангардлик йўлидаги изланишларгача намоён бўлади.

Глоссарий

№	Инглиз	Ўзбек	рус	Маъноси
8	Cardboard	Картон	Картон	(фран.сартон, итал.сартоне, сарта – қоғоз). 1. Қалин, қаттиқ ва жуда пишиқ қоғоз, оддий қоғоздан қалин. Қоғозга туширилган расм, эскиз, кейин у ўзакка туширилади (мато, девор, ёғоч ёки метал текислик).
9	Paint	Бўёқ	краска	ранг бўяш воситалари таркибининг умумий номи, маиший соҳада фойдаланишга мўлжалланган, предметларга суртилганда ёки бўктирилганда у ёки бу рангни беради. Кимёвий таркибига кўра пигментлар ва улардан тайёрланган бўёқлар минерал (ноарганик тузлар ёки метал оксидлари) ва органик (ўсимлик ва ҳайвонларнинг бирлашиши).
14	Lack	Лак	Лак	(нем.ласк, фран. лакуер суртиш, қоплаш) 1. Турли эритгичларда суюқ ёки ярим суюқ ҳолатгача бўлган елим эритмаси. Лакни суртиш қуриган расм юзасига юпка қатлам билан, ҳимоя қатламини яратиш учун суртилади. Қуриганидан сўнг лаклар ялтироқ қаттиқ парда билан қандайдир текисликни қоплайди, физик кимёвий таъсирларга қарши тура олади.
15	Glaze	Лессировка	Лессировка	(нем. Ласиерунг глазур, Ласиерен бўяш, Ласур кўк тош, фран. Гласер сирламоқ, глазур, ялтироқлик). Рассомлик санъати техникаси, корпусли рассомчилик юзасига ингичка, ярим тиник ранглар қатламини суртиш йўли билан чуқур ранг турларини олиш учун қўлланилади.
16	Line	Чизиқ	линия	(лот. Линеа – зиғир ип).

				Тасвирий санъат ва рассомчиликда ифодали тасвирий восита. Чизик, график ёки бўёқ воситалари билан тасвирий юзага чизиш орқали юзага келади. Чизик доим қалинлик, фарқлилик ва услубга эга бўлади. Тасвирий санъатда чегара, бирор-бир юза ва ўраб турувчи муҳит контури ҳисобланади.
17	Рар	Томчи	Мазок	мўйқалам тортиб бўёқ бериш – асосга (мато, картон ва бошқалар) туширилган бўёқли мўйқалам изи. Мазок билан ишлаш техникаси турли ва у муаллифнинг шахсий ҳаракати, олдига қўйган вазифалари, у ишлаётган материал хусусиятларига боғлиқ.
19	Palette knife	Мастихин	Мастихин	(итал .местичино – куракчасимон асбоб) – пичоқ ёки куракча кўринишидаги пўлат асбоб. Мастихин рассомлар томонидан палитарни тозалаш ёки расмдан қуримаган бўёқни қисман ўчириш учун қўлланилади. Шунингдек, мастихин мўйқалам ўрнига бўёқни текис қатлам билан ёки расмга релеф мазкалари билан суртиш учун қўлланилади.
20	Motive	Ғоя	Мотив	1) рассом томонидан тасвир учун танланган натура обекти, камдан-кам манзара. Мотив – боғлиқлик, расм ёки этюднинг тасвир ёки ранг ҳолатини аниқлайди. 2) безак санъатида – кўп марота такрорланиши мумкин бўлган орнамент композициясининг асосий элементи.
22	Sketch	Хомаки режа	зарисовка	рассом томонидан тез бажарилган, катта бўлмаган

				ўлчамдаги рассомлик, графика ва ҳайкалтарошлик санъати асари.
23	Nature	модел	Натура	тасвирий санъатда рассом чизаётганда кузатадиган бутун борлиқ объектлари (предмет, одам, манзара). Натурани ва унинг таърифини танлашда рассом дунёни, ўз ижодий вазифасини сезади.
25	Image	Қийофа	Образ	санъатда бутун борлиқ ҳодисаларини тасвирлаш шакли, бутун борлиқни бадий тасвирлаш шакли. Тасвирий санъатда образ фикрнинг аниқ, яққол тасвири.
28	List decorative	Декоратив безак	Декоративны орнамент	архитектура иншоотларида, декоратив безак санъатида тасвирий санъат воситалари ёрдамида яратиладиган орнаментал ва сюжет композитсиялари.
31	Figure	Расм	рисунок	график воситалар – чизиқлар, штрих, доғлар ёрдамида қўлда чизилган тасвир. Уларнинг уйғунлиги пластик шакл, ранг ва нур уйғунлигини беради. Қоидасига кўра, битта рангда ёки чегараланган миқдордаги ранглардан фойдаланилади. Технологияси: қуруқ ва суюқ бўёқ воситалари. Қуруқлари: кўмир, графит қалам, сангина (қизил бўй). Суюқлари: туш, сепия, сиёҳ. Асоси: пергамент, қоғоз.
32	Reflex	Рефлекс	Рефлекс	графикада камдам-кам, тасвирий санъатда: ўраб турган объектлардан бирор-бир предметга ранг ва нурнинг тушган акси. Бирбутун қисмларининг қийин ўзаро алоқаси
33	Restoration	Тиклаш	востанавить	ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат

				твабошқа Млар). Махсус усуллар у ёрдамида, илмий с тадқиқотлар асосида амалга ошириладтаҳкамлашнинг барча турлари ва усуллари, шикастланган, бузилган маданият ёдгорликларининг тикланиши (архитектура,
36	Rhythm	Ритм	Ритм	тасвирдаги композитсион қурилиш, ўз навбатида акетма кетлик ёки қайтарилиш қисмларини англатади. Ритм рассомлик образининг ифодавийлигини оширади, кучайтиради.
37	Sanguine	Сангина	Сангина	(франс. Сангуине, лот. Сангуинелис тўқ (қонли) қизил) – қизил ва жигар рангли қаламларнинг турли хил тоналари.
38	Light	Ёруғлик	цвет	тасвирий санъатда соя ёруғ элементи. Натурада бўлгани каби, тасвирда ҳам бу атама энг ёруғ қисмларини ко`рсатиб беришда қўлланилади.
39	Chiaroscuro	Соя ёруғ	политен	нарсаларнинг шаклини ва ҳажмини тўғри бажаришда ёруғ ва соя қонунлари муҳим аҳамиятга эга.
41	Symmetry	Симметрия	Симметрия	предмет ёки композитсия асарининг шундай қурилишики, бир хил турдаги қисмларнинг бир-бирига нисбатан параллел жойлашиши, унда ихтиёрий объектнинг марказий ўқидан бир хил узокликдаги масофада жойлашган ҳолати.
44	Style	Услуб		муаллифнинг ижод мактабида рассомликнинг аниқ бир ёналишига характерли образли тизими қатъий бирлиги ва тасвирлаш усули. Атама турли

				маъноларда кўлланилади, кўпинча кенг маънода кўлланилади.
45	Background	Фон	Фон	(франс. – чуқурлик, туб) тасвирий санъатда натура, манзара, объектнинг орқадаги кўриниши, орқа плани тушунилади. Бунда фон одатда нейтрал ҳолда, ёки баъзи бир ҳолларда оддий тасвирга эга бўлган ҳолда жойлашади
46	Form	Шакл	Форма	ташқи кўриниш. Тасвирий санъатда форма ҳажми, конструкцияни ҳамда мутаносибликни англатади
47	Chromatic colors	Хроматик ранглар	Хроматический цвет	бир-биридан асосий сифати, ва кўриниши билан ажралиб турадиган ранглар. Хроматик рангларга – қуёш нурлари тушганда ҳосил бўладиган, қуёш нурлари спекторидаги ранглар. Ранглар спектори шартли равишда “ранглар доираси” да жойлашади. Бу доирада ранглар совуқда иссиққа қараб кетма - кетликда жойлашади.
48	Pencil	Қалам	карандаш	Чизматасвир ишлаш учун ишлатилади
49	Lasting	Ўчирғич	Резинка	Чизматасвирда ўчириш учун ишлатилади.
50	arrangement	Компоновка	Компоновка	Матода текисликлигида композицион жойлаштириш ва қуриш
51	cool color	совуқ ранг	Холодный цвет	музни, қорни, сувни эслатувчи зангори, кўкиш, яшил, тўқ бинафша ва ҳаво ранглардир.
52	warm color	иссиқ ранг	Тёплый цвет	Кунни, қуёшни, баҳорни ва гулларни эслатувчи сарик, қизил, пушти ранглар

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш- юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Т. “Ўзбекистон”, 2017
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Ўзбекистон Т.: 1995 й.
4. Ислон Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент. “Маънавият” 2008 й.
5. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: Шарқ, 2000. – Б.104.
6. А.Умаров “Чингиз Ахмаров” ҳаёти ва ижодий йўли ҳақида очерк.
7. Абдуллаев Н.У. “Ўзбекистон санъати тарихи” Ўз.ф.м.ж. Т.: 2007 й.
8. Авторская коллегия. “Искусство Советского Узбекистана 1917 – 1972 гг.” Сов. Худ. М.: 1976.
9. Л.Жадова “Современная живопись Узбекистана” Гослитиздат Уз СССР- Т.: 1962.
10. Формозов А.А. Памятники первобитного искусства.
11. Ўзбекистон санъати. А.Ҳакимов. Шарқ, Т- 2001.
12. Султонова Д.Н. Ўзбекистон меъморчилигида тасвирий ва бадиий воситаларни уйғунлаштириш. “Санъат” нашриёти, Тошкент-2010
13. Илёсов Ж. Орлот осори атиқалари. Санъат, 1993,

Интернет сайтлари:

14. <https://kun.uz/news>
15. <http://taqvim.uz>
16. <http://ziyouz.uz>

Иллюстрациялар